



ТИПАМЕ




Tadqiqot.uz



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

халқаро илмий-амалий конференцияси  
**МАТЕРИАЛЛАР ТҮПЛАМИ**



ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕҲАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
МИЛЛИЙ ТАДҶИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЮНЕСКО ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛAR “ОЛИМА” АЁЛЛАР ҮЮШМАСИ  
TADQIQT.uz ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАР ПОРТАЛИ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

халқаро илмий-амалий конференцияси  
(Тошкент, 2-3 март 2023 йил)  
**МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ**



# **КОНФЕРЕНЦИЯНИГ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ**

## **МАСЪУЛ МУҲАРРИР:**

Исмоилова З.К. - педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Ўлжаева Ш.М. - тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Джураева Н.Д. - тарих фанлари номзоди, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

## **КОНФЕРЕНЦИЯ МУСАҲИХИ ВА КООРДИНАТОРИ:**

Базарова М.М. - (Тошкент, Ўзбекистон)

## **ДИЗАЙНЕР:**

@TADQIQOTDESIGN

## **ИЛМИЙ МУҲАРРИР:**

Ўлжаева Ш.М. - тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Бабаджанова Н.А. - тарих фанлари номзоди, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ ВА АЪЗОЛАРИ:**

Мамадаминова Б. - тарих фанлари номзоди, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

Толибоева Н.О. - PhD, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

Мирзахмедов Х.А. - PhD, в.б. доцент (Наманган, Ўзбекистон)

**«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАҲНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ»** мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллар тўплами (Тошкент ш., 2-3 март 2023 йил) / масъул муҳ. Ismoilova Z.K., O'ljayeva Sh.M., Djurayeva N.D. - Тошкент: ТИҚҲММИ-МТУ, 2023. – 324 б.



**Калит сўзлари:** соғлом турмуш тарзи, таълим соҳаси, аёл хотин-қизларга бўлган муносабат ўзгариб бориши, хотин-қизларни қўллаб қувватлаш, гендер тенглиги.

**Ботирова Халима Эшмаматовна**  
НИУ "ТИИИМСХ",  
кафедра Гуманитарные науки доцент  
botirovahalima555@gmail.com  
**Тошполатова Севара Олимжон кизи**  
"ТИИИМСХ" НРУ,  
Управление Земельными ресурсами факультет Ге и Ги, студентов.  
toshpolatovas420@gmail.com

## РЕФОРМЫ, ПРОВОДИМЫЕ В НАШЕМ УНИВЕРСИТЕТЕ И УСЛОВИЯ, СОЗДАННЫЕ ДЛЯ НАШИХ СТУДЕНТОК

### АННОТАЦИЯ

В данной статье показаны результаты реформ, проводимых в духовно-образовательной сфере в НИУ "ТИИИМСХ", а также условия, созданные для наших студенток и их результаты.

**Ключевые слова:** здоровый образ жизни, образование, изменение отношения к женщинам, поддержка женщин, гендерное равенство.

**Botirova Khalima Eshmamatovna**  
“TIIAME” NRU department of Humanities, docent. botirovahalima555@gmail.com  
**Toshpulatova Sevara Olimjon qizi**  
"TIIAME" NRU Manegment of Land Resources  
faculty "Ge and Gi", student  
toshpolatovas420@gmail.com

## REFORMS CARRIED OUT AT OUR UNIVERSITY AND CONDITIONS CREATED FOR OUR STUDENTS

### ANNOTATION

This article shows the results of the reforms carried out in the spiritual and educational sphere at "TIIAME" NRU, as well as the conditions created for our students and their results.

**Keywords:** healthy lifestyle, education, changing attitudes towards women, support for women, gender equality.

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар бирдек ривожланиб бормоқда. Аввалдан камчиликлари бўлган соҳалар соғлиқни сақлаш бўладими, таълим соҳасими ёки спорт соҳаси умуман барча соҳадаги камчиликлар аниқланиб, бу камчиликлар ўша жойнинг ўзида ҳал этилмоқда. Мана шу муаммоларнинг ҳал этилиши орқали мамлакатимизда ҳар соҳада силжишлар олдинга интилишлар бўлмоқда.

Давлатимиз томонидан фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган хукуклари ва эркинликлари таъминланган. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида Хотин-қизлар ва эркаклар тенг хукуқлиdir дейилган шундан келиб чиқган холда истиқбол йилларида аёл хотин-қизларга бўлган муносабат ўзгариб керакли шарт шароит ишлаши ўқишилари учун яратилиб берилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг қонуни Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида Конунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17-августда қабул қилинган 2019 йил 23-августда маъқулланган. Ушбу қонуннинг мақсади хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ва имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни



тартибга солишдан иборатдир. Юртимизда бундай ўзгаришларни амалга оширишда гендер тенглиги масаласига ҳам ката эътибор берилмоқда.

Бизнинг Университетимизда ҳам бу масала эътибордан чета қолаётганий йўқ. Университетимизда хотин-қизларни қўллаб қувватлаш, уларнинг таълим бериши ва талаба хотин-қизларнинг таълим олиши учун етарлича шарт-шароитларнинг яратиб берилаётганлиги ҳозирги куннинг энг тақсинга сазовор жараёнларидан бири десак адашмаган бўламиз сабаби ўқитувчи ва талаба қизларимиз учун раҳбарият томонидан барча имконянятлар берилган шароитлар яратилган албатта. Негаки, аёл киши илмли бўлса у келгусида фарзандларининг ҳам илмли бўлишини таъминлайди. Сабаби оиласда фарзанднинг тарбияси билан тўқсон фоиз аёллар шуғулланади. Университетимизда таълим оладиган талаба хотин-қизлар билан ўтказиладиган ҳар бир йиғилишларда бу масала борасида кўплаб фикрлар билдирилади. Университетимизда таълим олишни истаган хотин-қизлар учун барча шароит мавжуд ўқишга қабул қилинган талаба хотин-қизларни турар жой билан таъминлаш масаласи Университетимизда ҳар доим биринчи ўринда бўлиб ёткожонада талабалар учун барча шароитлар яратилгандир. Бундан ташқари дарсдан бўш вақтларимизда мањавий тадбирларнинг ўтказилиши бепул тугараклар ташкил қилиниши бизни фақат соҳа мутахассиси бўлиб етишиб чиқишимиз учун эмас ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб шакиланишимиз учун барча шароитлар яратилаяпти. Университетимизда бизга таҳсил берадиган аёл профессор ўқитувчиларимиз аёл бўлишига қарамасдан ҳам ўз соҳасининг етук мутахассиси, ҳам оиласда фарзандларининг тарбияси борасида фаол эканлиги биз учун ўрнак десак адашмаган бўламиз.

Буларнинг барчаси муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев томонидан хотин-қизлар учун берилаётган улкан эътибор ва ишонч маҳсулидир.

Университетимиз талаба қизлари ҳар соҳада илғор спорт дейсизми, пазандачилик дейсизми барчасида фаол. Масалан, яқинда Туркистон санъат саройида Университетлар ўртасида бўлиб ўтган ҚВЗ мусобақасида “Беш малика” номи билан машҳур бўлган талаба қизларимиз жамоаси фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида талабалар турар жойида тикув хоналарининг мавжудлиги, кутубхона, компьютерларнинг мавжудлиги буларнинг барчаси Университетимиз талаба қизларининг келажакда етук кадр бўлиб етишишига замин яратади.

Университетимиздаги бўлажак битирувчи талаба қизларимизни ўз касбининг фидойиси бўлиб, фаол раҳбарлар бўлиб чиқишига харакат қилинмоқда. Университетимизда ёшлар иттифоқи томонидан ёшлар дафтарига ва темир дафтарига киритилган талаба қизларга ёрдам кўрсатилмоқда. Чекка худудларда яшовчи ёки бўлмаса ижтимоий келиб чиқиши жуда оғир бўлган талаба қизларни гендер тенглик асосида масалан шартнома асосида ўқийдиган бўлса шартнома пуллари тўлаб берилмоқда уларга шу орқали ёрдам кўрсатилиб илм олиши учун ҳеч қандай тўсик қолмаслигига эришилмоқда. Айни дамда Университетимиз талаба қизлари орасида Абдулла Орипов, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Президент стипендилари, инглиз тили бўйича халқаро сертификат олганлари ҳам талайгина, албатта бундай натижаларга эришишимизда устозларнинг меҳнати самарасидир. Қизларимиз ўз билимлари харакатлари билан Аёл киши бўлишига қарамасдан олға боряпти ҳаётда ўз ўрнини топиш учун харакат қиляпти. Бу натижалар гендер тенглик тушунчасини яна бир бор исботлаяпти. Чунки бундай имкониятлар аввал қизларга берилмаган.

Хулоса қилиб қайд этиш зарурки Университетимиз балки бутун Республикаимиз ҳаётида хотин-қизлар гендер тенглик тушунчаси буғунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилилмоқда сабаби қизларимиз келажак давомчилари. Соғлом билимли тарбияли оқила қизларимиздан соғлом фарзандлар тўғилади ва давлатимизни ривожи тарракиётига ҳисса кўшадилар. Қачонки қайси соҳага мурожат қилманг у ерда иқтидорли хотин-қизларни кўрасиз, уларнинг кўзларини ёниб туриши, улардаги ҳаётга бўлган, илмга бўлган ўзининг касбига бўлган, ўзининг танлаган йўналишига бўлган қизиқиши, иштиёқни кўриб гендер тенглик нақадар оқилона қарор эканига яна бир бор амин бўламиз.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси- Тошкент 2019й.
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Тошкент, “Ўзбекисон, 2019.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. Тошкент, “Ўзбекисон, 2021.
4. Элмуратова У. Таълим тизими ислоҳоти: ҳуқуқий-меъёрий асосларининг яратилиши (1991-2014 йй.) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 2016. – №3. – Б.32-40.
5. www.lex.uz

**Султонова Лола Ботировна**

Тошкент фармацевтика институти,  
Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси  
barno.boltaeva.80@mail.ru

**Абдуллаева Умида Азамат кизи**

Тошкент фармацевтика институти,  
Фармация факультети касбий таълим йуналиши 4 курс талабаси

## **ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТИЗИМЛИ ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ИШЛАРНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ**

### **ДАЛЬНЕЙШАЯ РАБОТА ПО СИСТЕМАТИЧЕСКОЙ ПОДДЕРЖКЕ ЖЕНЩИН**

### **FURTHER WORK ON SYSTEMATIC SUPPORT FOR WOMEN**

#### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш; хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш; хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оиласвий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган вазифалар, амалга оширилаётган ишлар ёритиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, гендер, гендер тенглик, тазиик ва зўравонлик.

Мамлакатда хотин-қизларнинг ҳуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни тизимли давом эттириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги биринчи қадамларидан бири бу - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида: “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар” – дея эътироф этилиши бўлди. Бу билан мамлакатимизда аёллар жамиятнинг фаол аъзоси сифатида барча соҳаларда кенг қамровли иштирок этиши ҳуқуқий кафолатлади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда демократик ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда хотин-қизларнинг фаол иштироки инобатга